



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртошлар!

Қалбларимиз файзу илоҳий шукуҳга тўлиб турган ушбу улуг кунда юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни тинчлик, шукроналик, меҳр-оқибат ва соҳават рамзи бўлган муборак Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг чуқур хурматим ва эзгу тилақларимни билдиришдан гоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу табаррук айёмни байрам қилаётган ер юзидаги барча мусулмон умматига, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимизга халқимиз номидан самимий салом ва табриқларимизни йўллаймиз.

Бу йилги Қурбон ҳайити Ватанимиз мустақиллигининг шонли 30 йиллик тарихий санаси арафасида ўтаётгани унинг бетакор руҳи ва кўрку тароватини янада зиёда этмоқда.

Мустиқил юртда буюк мақсадлар билан тинч ва осойишта яшаш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас динимизнинг эзгу ғояларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнги йилларда эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан барча соҳа ва тармоқлар қатори муқаддас динимиз, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш

ва тарғиб этиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Улуғ уламопаримизнинг бе-назир илмий меросини чуқур ўрганиш, динимизнинг инсон-парварлик руҳи билан йўрилган эзгу аъёналарини муносиб давом эттириш мақсадида мамлакатимизнинг бугунги янги тараққиёт босқичида ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани, ҳадис, қалом, фикҳ ва тасаввуф мактабларига асос солингани, ўнлаб янги масжидлар ва зиёратгоҳлар қурилаётгани ҳамда таъмирланаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғлиқ кенг эканидан далолат беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний соҳадаги талаб ва эҳтиёжлари ҳам тўлиқ таъминланмоқда. Бу ҳақда гапирганда, яқинда янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муҳтарам ватандошлар!

Барчамизга аёнки, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равишда муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг катта бойлигимиздир.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида диний ва дунёвий илмларни ўзаро уйғун ривожлантириш борасида ноёб тажриба мактабини яратган. Бу фикрнинг амалий тасдиғини ўзининг беқиёс илмий кашфиётлари, маънавий-маърифий тафаккури билан жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган улуг олимлар ва уламопаримизнинг бебаҳо мероси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда ана шундай нодир маънавий хазинани чуқур ўрганиш борасида янада катта имкониятлар очилмоқда.

Ишончим комилки, икки дунё саодатига эришишдек улуг орзу-ниятлар билан яшаётган олижаноб халқимиз униб-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда ана шу имкониятлардан

самарали фойдаланиб, улкан ютуқларга албатта мушарраф бўлади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Ҳозирги мураккаб пандемия даврида диний ибодатларни уй шароитида адо этиш бўйича кўпни кўрган уламопаримиз томонидан билдирилган таклиф, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёти ва саломатлигини асрашга қаратилган энг тўғри қарордир.

Ушбу улуг айём кунларида барчамиз Қодир Аллоҳдан бутун инсоният бошидан кечираётган бундай оғир синовларни енгиб ўтишда Ўзи мададкор бўлишини сўраймиз.

Сиз, азизларни муборак Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга Аллоҳ таолодан сихат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Дуоғуи кексаларимизнинг эзгу тилақлари ижобат бўлсин!

Ёшларимизнинг бахтини, камолини берсин!

Юртимиз доимо тинч, халқимиз ҳамisha соғ-омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 июль куни насос станцияларини модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Юртимизда 1 минг 687 та насос станцияси бор. Шундан 299 таси эскирган бўлиб, улар билан сўғориладиган ерларнинг 80 минг гектари фойдаланишдан чиқиб кетган, 607 минг гектаридан сув таъминоти ёмонлашган. Ушбу насос станцияларини янгилашга жами 700 миллион евро маблағ талаб этилади.

146 миллион евро хорижий кредит эвазига биринчи навбатда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги жами 95 та насос станциясини модернизация қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда шу борада бажариладиган ишлар белгиланди.

Сув хўжалиги вазирлигига йил якунига қадар ускуналар хариди бўйича тендерларни якунлаб, қурилишни бошлаш юзасидан топшириқ берилди.

Модернизация учун зарур бўлган 86 турдаги насосдан 15 таси, 80 турдаги электр двигателидан 20 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Давлатимиз раҳбари ускуналар харид қилишда бундан

кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Лойиҳа доирасида 40 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш ва 315 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган. Хусусан, Бухоро ва Навоий вилоятларида 3 тадан туманда, Қашқадарёда 5 та, Самарқандда 6 та ва Сурхондарё вилоятида 11 та, жами 28 та туманда сўғориш имконияти ошади.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимларида сув таъминоти яхшиланадиган майдонларда юқори даромадли маҳсулотлар экиш ва шу асосда 80 минг нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз лойиҳа билан қамраб олинadиган ерларда сув тежовчи технологияларни жорий этиб, сув сарфини 40 фоизга қисқартириш ва қўшимча 20 минг гектар ерни фойдаланишга кириштиш мумкинлигини таъкидлади.

Насос станцияларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш,

ўқув курслари ва амалий семинарлар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги яқинда янгиланган "Дўстлик" насос станцияси бу борада яхши намуна бўлади. Унинг модернизация қилиниши натижасида 11 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланган, эксплуатация харажатлари 300 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача камайган, йилгига 8 миллион киловатт электр иқтисод қилинмоқда.

Мутасаддиларга лойиҳа устидан тизимли назорат ўрнатиш, маблағларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Янгиланадиган ҳар бир насос станциясини кластерларга боғлаб, лойиҳаларнинг бошидан охиригача уларнинг иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди вазирлар ва вилоят ҳокимлари бажариладиган ишлар ҳамда эришилган натижалар юзасидан аҳборот берди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**МИНТАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИНИ
ОЧИБ БЕРУВЧИ ЙЎЛ**

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

Ўтган ҳафта Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг минтақалараро ривожланиш истиқболларига бағишланган яна бир муҳим ташаббуси тарихга битилди. 15-16 июль кунлари расмий Тошкент юқори даражадаги "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференцияга мезбонлик қилди.

Бу конференция кўп жиҳатдан ноёб форум бўлди. Жумладан, халқаро майдонда миллий манфаатларимизни ифодалаш масаласида мамлакатимиз раҳбариятининг янги мукамал стратегик қарашларини акс эттирди. Дарҳақиқат, давлатимиз

кейинги тарихида илк бор ўз ташқи сиёсатининг янги йўналиши — Жанубий Осиё минтақаси устувор аҳамиятга эгалигини белгиллади.

▶ Давоми 2-бетда



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

КАМОЛОТ САРИ

**ёхуд Учинчи Ренессанснинг
илмий-маънавий пойдевори
мустаҳкамланмоқда**

Эзгу ният билан ерга қадалган ҳар қандай уруғ, экилган ҳар бир кўчат, албатта, кўради, униб-ўсади. Жамиятимиз тараққиётининг бешта стратегик йўналишида ўз ифодасини топган эзгу мақсадларга мос равишда 2017 йилда асос солинган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳам ўтган йиллар давомида мурғак ниҳолдан етук мевали дарактга айланиш йўлини босиб ўтди.

Президентимиз томонидан 2017 йил 23 июнда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланганидан бошлаб ўтган қисқа даврда марказда эътиборга молик ишлар амалга оширилди:

Ислом маданияти маркази Ислом цивилизацияси маркази деб аталди; Ислом цивилизацияси марказининг илмий-тарихий концепцияси яратилди;

марказнинг илмий-бошқарув жамоаси, асосан, ёш, иқтидорли мутахассислар ҳисобига шакллантирилди; Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази жаҳоннинг ўттизига яқин турдош илмий муассасаси билан ҳамкорлик меморандумларини имзолади; мингга яқин нодир қўлёзма ва тошбосма асар, ўттиз мингга яқин замонавий асар ва юз мингга яқин электрон китобни ўзида ҳам қилган кутубхона шакллантирилди; марказнинг илмий-оммабоп журнали чоп этила бошланди;

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини вақтида ва самарали таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ушбу даъвати мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятини белгилаб берган "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилининг бир кўриниши сифатида қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва қонуности ҳужжат ижросини сифатли ва самарали таъминлашга, натижадорликка эришиш ва халқимиз манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лекин, тан олиш керак, қуйи тизимда кўпгина ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушуниб, ижросини таъминлашда камчиликлар кузатилмоқда.

Шунинг учун Президентимиз парламентга Мурожаатномасида қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини танқидий таҳлил қилиб, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари масъулиятини

ошириш, ижро тизимини тубдан такомиллаштириш вазифасини қўйди.

Бинобарин, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат моҳиятида **халқ манфаати, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш мақсади** мужжасам. Қачонки, бу ҳужжатлар барча поғонада сифатли ижро этилсагина халқ ҳаётида ўзгариш ясади, ислохотлар натижа-

дорлигини таъминлайди. Назаримизда, Президентимиз томонидан яратиб берилган **"Ижро интизоми — ислохотлар гарови"** тамойилининг моҳияти ҳам шунда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги **"Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларида ижро интизоми янада мустаҳкамлаш имконини бериб, қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш жоиз.

Қабул қилинаётган ҳужжатларни масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ҳокимликда нима ўзгарди?

Янги тартибга кўра, ҳокимликларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати **ҳафтанинг душанба куни вилоят ҳокими ҳузурида, жума куни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида ва ҳар ой якунида Халқ депутатлари вилоят кенгаши йиғилишида** муҳокама қилинмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

КАМОЛОТ САРИ

ЁХУД УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

энг муҳими, Ислом цивилизацияси маркази жамоаси ўзбек халқининг буюк аждодлари Хоразмий, Фаргоний, Бухорий, Термизий, Мо- туридий, Насафий, Ибн Сино, Беруний, Улуғ-бек каби мутафаккир ва олимларнинг бебаҳо меросини изчил ўрганиш ҳамда кенг миқёсда тарғиб қилишга киришди.

Ислом цивилизацияси маркази мута-хассислари мамлакатнинг бошқа турдош муассасалари билан ҳамкорликда узоқ ва яқин ўтмишда буюк аждодларимиз ислом ва жаҳон тамаддунига қўшган бебаҳо ва буюк ҳиссаси асосида ислом динининг эзгулик, инсонпарварлик, илм-фанга даъват қилувчи, бағрикенглик ҳамда бунёдкорлик моҳиятини кўрсатиб бериш ва кенг тарғиб қилишни йўлга қўйдилар.

Мамлакатимиз тарихида сўнгги йилларда рўй берган буюк ўзгаришлар, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги эътироф этаётган халқни рози қилиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторига олиб чиқиш йўлида- ги ислохотлар ва шиддат билан ўзгараётган жаҳон Ислом цивилизацияси маркази олдида ҳам янги мақсад ва вазифаларни қўйишни та-қозо қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 июл-даги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тад-

Марказда ислом цивилизациясини тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган мил-лий ва халқаро миқёсдаги конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маъ-рузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар доимий асосда ташкил этиб борилади, юртимиздаги музей ва кутубхоналар ходимларининг касбий маҳорат ва салоҳиятини ошириш бўйича ил-мий-амалий ва услубий тренинглар йўлга қў-йилади. Шу тариқа Ўзбекистон ва дунё илмий жамоатчилиги бу йўналишдаги янги тадқиқот-лар натижаларидан бохабар бўлиб боради.

Бу ерда ислом тарихи ва маданияти йўна-лишига оид билимларни ошириш, қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қоғоз тайёрлаш, муқовасозлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрга-ниш бўйича ташкил этиладиган ўқув курсла-ри нафақат тадқиқотчиларимиз, балки бутун халқимиз учун илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилади.

“Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ғоясининг мазмун-моҳияти, унинг илм-фан ривож-и, динлараро ва миллатлараро бағ-рикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳа-мияти жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиниши юртимиздаги ижтимоий барқа-рорликни мустаҳкамлашга, илмий ютуқлар-га интилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиришга, халқаро илмий-маданий ва гуманитар ҳамкорликни ривож-лантиришга кенг йўл очади.

Қарорга мувофиқ, аждодларимиз илмий меросини тадқиқ этиш ва янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича ишлаб чиқилмаган “йўл харитаси” белги-ланган вазифаларни тизимли равишда, бар-ча манфаатдор идора ва ташкилотларнинг яқин ҳамкорлиги асосида, янги мақсадларга йўналган тарзда бажариш имконини беради. Яъни марказ олдида қўйилаётган улкан вази-фалар фақат унинг зиммасидаги мажбурият бўлиб қолмай, бутун мамлакатнинг эзгу ва улуг мақсади сифатида майдонга чиқади. Бу орқали қўллаб идора ва ташкилотлар-нинг ҳамкорлиги фаоллашиши баробарида ҳамюртларимизнинг жипслиги, бир-бирига ҳайрихоҳлиги кучаяди, Ватан тақдир-и, унинг шаъну шавкати учун масъуллик, дахлдорлик ҳисси янада кучаяди.

Жамоатчиликнинг алоҳида эътиборини тортадиган яна бир жиҳат қарорда ушбу муас-саса ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивили-зацияси марказини ривожлантириш жамғар-маси ташкил этилиши белгиланб қўйилганидир. Ушбу жамғарма илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асар ва ҳужжатларни харид

“Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ғоясининг мазмун-моҳияти, унинг илм-фан ривож-и, динлараро ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамияти жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиниши юртимиздаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, илмий ютуқларга интилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада фаоллаштиришга, халқаро илмий-маданий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга кенг йўл очади.

бирлар тўғрисида”ги қарори шу муносабат билан қабул қилинди.

Қарор марказнинг **“Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон”** ғоясини, илмий-маънавий ва маърифий меросини, янги замон авлоди-ни, шакллантиришда фаол иштирок этувчи, мамлакат тарихининг янги юксалиш даври-да шонли ўтмиш ютуқларидан буюк келажак пойдеворини қуришда фойдаланишни илмий асосда ўрганиб, кенг жамоатчиликка етказиб берадиган, ислом дини билан боғлиқ миллий қадрият ва аънаналарни тарғиб қилувчи ил-мий-маърифий масканга айланиши учун ҳуқу-қий асос яратмоқда.

Ушбу муҳим ҳужжатда муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидagi ўрнини инновацион усуллар ор-қали тарғиб қилиш, қўхна Мовароуннаҳр за-минида содир бўлган умуммиллий юксалиш-лар, тарихий ренессансларнинг илдиэлари ва мазмун-моҳиятини мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича зарур чо-раларни қўриш, буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддуни, дунёвий ва диний илмлар риво-жига қўшган ҳиссасини энг замонавий усул ва воситалар орқали ёритиб бориш, ёшларни илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги уйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа маҳ-сулотлар, илмий ишланма ва тавсиялар тай-ёрлаш марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шунингдек, эндиликда ушбу муассаса зиёрат туризмнинг илмий асослари бўй-ича етарли назарий билим ва амалий кўник-мага эга гид-таржимонлар тайёрлаш, ула-рининг малакасини тизимли ошириб бориш, илм-фаннинг жадал тараққиётини кўрсатиб берувчи сермазмун экспонатлар фонди, қў-лёзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ва уларнинг жаҳон музейлари, кутубхоналари тармоғи ўртасидаги мустаҳкам алоқасини таъминлаш, ўзбек халқининг ислом цивилизацияси раваннагига қўшган ҳиссаси бўй-ича фундаментал тадқиқотлар дастурлари ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қув-ватлаш билан шуғулланади.

МУНОСАБАТ

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021

15-16 IYUL, TOSHKENT

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МИНТАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНияТЛАРИНИ ОЧИБ БЕРУВЧИ ЙЎЛ



Содиқ САФОЕВ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Конференцияда ўз ифода-сини топган дастурий ғояларни амалга ошириш янги геосиёсий ва геоиқтисодий реалликни шакл-лантиришга ҳамда 2 миллиард-дан ортиқ нуфусга эга, сайёра-миз хавфсизлиги ва барқарор ривожланишга катта таъсир кўрсатадиган улкан макроминта-қа ривожланишига кучли таъсир кўрсатишга қаратилган.

Шубҳасиз, Тошкентда бундай нуфузли тадбир ташкил этилиши ва муваффақиятли ўтказилиши сўнгги йилларда нафақат Мар-казий Осиё минтақасида, балки бутун дунёда нуфузи ва таъсири ортиб бораётган янги Ўзбекистон пайдо бўлаётганини акс эттира-ди. Инчунун, конференция ишида нафақат Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари мамлакатла-ри, шунингдек, бошқа йirik дав-латлар иштирокини таъминлашга, балки уларнинг нуктаи назарлари-ни мувофиқлаштиришга муваф-фақ бўлинди.

Конференция ялпи мажлисла-рида, яъни учга бўлинган сессия-ларда 40 дан ортиқ мамлакат ва

ренцияни қақариш ташаббуси ўта долзарблигидан ва у ўз вақтида ўтказилганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати ва минтақадаги барча давлатлар раҳбарларининг умумий сиёсий иродаси туйғайли сўнгги йилларда Марказий Осиё-да юз берган туб ўзгаришларсиз ушбу анжумани ташкил этиш им-консиз бўлар эди. Шубҳа-гумон-лар, носоғлом рақобат, яширин ва баъзан эса яққол душманлик кайфияти ўрнига эзгу ният, ишонч ва умумий муаммоларни бирга-ликда ҳал этиш истаги юзага кел-ди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам кон-сультатив учрашувлари ташкил этилиши натижасида конструктив мулоқот қилиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш учун мустаҳкам асос яратилди. Минтақалараро савдо ҳажми сезиларли даража-да ўсди: ўтган 4 йил мобайнида Ўзбекистоннинг қўшни мамла-катлар билан савдо айланмаси 5 баробар ошди. Хавфсизлик со-ҳасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.



халқаро ташкилотнинг 250 дан зиёд нуфузли вакили иштирок этди, мунозаралар деярли 90 на-фар хорижий журналист ва қўл-лаб маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб борилади. Бу анжуман ғоят кат-та нуфузга эга бўлганидан дарак беради. Эътиборлиси, давлат ва ҳукумат, ташқи сиёсий идо-ралар раҳбарлари билан бирга тадбир ишида минтақаларимиз-да, жумладан, халқаро алоқалар масалаларида ўрни тобора ор-тиб бораётган қўллаб-даватлар вакиллик ҳокимияти органлари масъуллари иштирок этди.

Форумда нуфузли халқаро ташкилотлар — Европа Иттифо-қи, ЕХҲТ, МДХ, ШҲТ, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чо-ралари бўйича кенгаш, ЮНЕСКО, БМТ Европа иқтисодий комиссия-си, Марказий Осиёда превентив дипломатия минтақавий мар-кази, шунингдек, етакчи халқаро молия институтлари раҳбарлари фаол иштирок этганини таъкид-лаш зарур. Буларнинг барчаси Президентимизнинг ушбу конфе-

долларни ташкил этувчи жадал ривожланаётган минтақа-дир. Минтақа ишонч билан жаҳон-нинг иқтисодий марказларидан бирига айланмоқда. Бугун дунё ҳамжамияти Жанубий Осиё мамлакатлари шиддат билан ривожланаётгани, маънавияти-ни йўқотмай, энг илғор техноло-гияларни ўзлаштираётгани, бир вақтининг ўзида ахлоқий қадрият-ларни мустаҳкамлаб бораётга-нига гувоҳ бўлмоқда.

Конференциянинг аҳамияти ва долзарблиги янги тарихий шароитда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ҳамкорлиги-ни тиклаш ва чуқурлаштириш, деб ном олган кун тартиби билан ҳам белгиланди. Айтиш кераки, бу ҳудудларда яшовчи халқлар қадимдан транспорт-савдо-ком-муникация тармоқлари билан боғланган. Бу йўл орқали нафа-қа савдо, балки билимлар, ғоя-лар ва маънавий тушунчалар-нинг ҳам мунтазам алмашинуви юз берар эди. Бу макроминтақа илм-фан, маданият ва маъна-виятининг тан олинган жаҳон мар-казларидан бирига айланиши билан изохланади. Афсуски, ўт-ган асрларда бу каби алоқалар узилиб қолди. Бугун Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни яна жонлан-тиришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу ҳолисона жараён барқарорлик ва мустаҳкам та-раққиётни таъминлаш, икки мин-тақа халқларининг турмуш дара-жаси ва фаровонлигини ошириш учун ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Мазкур жараёни зиддият-лар ва ижтимоий-иқтисодий лар-залардан холи минтақалараро ҳамкорлик маконига айлантириш имконияти сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу конференцияни таш-кил этиш ташаббуси билан чиқ-қан Ўзбекистон Республикаси, биринчидан, ҳамкорликни мус-таҳкамлаш, очиқ ва конструк-тив сиёсат қуришти мақсадидан келиб чиқди. Бу Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча дав-латларнинг умумий манфаатла-рини акс эттиради. Иккинчидан, бугун Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигида асосий бўлган ҳисобланган Аф-ғонистон Ислом Республикаси-га Марказий Осиёдаги минтақавий жараёнларнинг табиий қисми ва минтақалараро лойиҳаларни ривожлантиришнинг ноёб им-кониятлари манбаи сифатида тобора кўпроқ эътибор қарати-лмоқда. Уларни амалга ошириш Афғонистонда тинчлик жараёни-ни тарғиб қилишнинг янги мис-ли қурилмаган имкониятларини очиб беради. Учинчидан, икки минтақанинг яқинлашуви ҳеч кимнинг манфаатларига қарши қартилмаган. Зеро, бугун дунё шиддат билан ўзгараётган бир пайтда минтақа халқлари олди-да турган умумий таҳдидларни чуқур англаш, муаммоларни ҳал этиш йўллари излаш, мулоқот

ва ишончни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Бўлиб ўтган конференция айнан шу мақсадга қаратилди. Тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ иш-лар натижасида Тошкент мин-тақаларимиз, бошқа хорижий давлатлар ўртасида қўп ва икки томонлама мулоқот учун плат-форма яратишга муваффақ бўлди. Халқлар раваннақининг калити бўлган ўзаро ишонч-ни шакллантириш ва мустаҳ-камлашга муҳим ҳисса қў-шилди, бу эса ҳамкорлик учун замин яратди.

Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ташқи ишлар вази-рлари муҳокамалари натижасида қабул қилинган минтақавий ҳам-корликни ривожлантириш тўғри-сидаги қўшма баёнотда ўрта муд-датли истиқболда Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқнинг умумий асосий тамойиллари шакллантирилган. Бу ҳукуматлар, парламентлар,



тадбиркорлар, илм-фан ва мада-нияят вакиллари ўртасида мунта-зам алоқани қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Айнан шу мин-тақалараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш шарти сифати-да ишонч чораларини мустаҳ-камлаш учун платформа бўлиши керак.

Минтақавий ўзаро боғлиқлик учун қўлай шарт-шароитлар яратиш умумий муаммолар ва таҳдидларга қарши курашиш учун биргаликда фаол ҳаракат-ларни талаб қилиши туйғайли иштирокчи мамлакатлар тинч-лик ва барқарорликка хавф солувчи трансмиллий таҳдид-ларга қарши биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олди. Тақдирлари бир-бири билан узвий боғланган минтақаларимизни барқарор ривожлантириш масаласи бўй-ича ҳамкорлик механизмларини яратиш бўйича ҳам келишувга эришилди. Бу атроф-муҳит, эко-тизмлар ҳимоясига қўмқла-шадиган ташаббуслар асосида экология ва табиий офатларни бошқариш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тажриба ал-машиш, чора-тадбирлар режа-сини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутди.

Иқтисодиёт ва инвестиция-лар соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш устувор вазифа си-фатида белгиланб олинди. Иш-тирокчи давлатлар ва етакчи халқаро ташкилотлар эксперт-лари минтақалараро савдонинг ривожлантириш бўйича умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш за-рурлигини эътироф этди. Гарчи қўп асрлар давомида Жанубий ва Марказий Осиё макроминта-қаси самарали халқаро меҳнат тақсмоти намунаси бўлиб кел-ган бўлса-да, минтақалараро савдо ҳажми жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст эди. Бу эса, ўз навбатида, минта-қаларимизни боғловчи транспорт коммуникацияси инфратузил-масини тиклаш масалаларини ҳал этишни талаб қилади. Тер-миз — Мозори Шариф — Қобул — Пешовар темир йўлини ку-риш лойиҳаси бу соҳадаги асо-сий стратегик йўналиш ҳисобла-нади. У Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг истиқ-болли бозорларини қисқа йўл билан боғлабгина қолмай, мил-лий иқтисодиётларнинг ўсиши учун кучли рағбатлантирувчи омил яратди, ўзаро манфаат-ли минтақалараро ҳамкорликни кучайтиради.

Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, **“Бизнинг ол-димизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқти-содий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди”**.

Тошкент халқаро конфе-ренцияси Ўзбекистоннинг ушбу мақ-садига эришиш учун муҳим замин яратди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ: КЕЧА ВА БУГУН



Эркинжон ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки ижросини умуман таъминламаган мутасаддиларга нисбатан жавобгарлик масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўтган даврда вилоятда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати вилоят ҳокими ҳузурида 5 марта, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида 6 марта, Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида 3 марта муҳокама қилинди.

Бундай тизим бугунги кунга келиб вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ҳокимликларида ҳам жорий этилди ҳамда амалда ўз самарасини бермоқда.

Ўрни келганда, Самарқанд вилояти ҳокимлигига келиб тушган ҳужжатларнинг ижро ҳолатига бир назар ташласак. Жорий йилнинг биринчи ярмида 340 та назорат ҳужжати (жумладан, 35 та қонун, Президентнинг 31 та фармони, 97 та қарори, 4 та фармойиши), Вазиirlар Маҳкамасининг 173 та қарори ва фармойиши келиб тушган. Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 13 та қарори, вилоят ҳокимининг 86 та қарори ва 10 та фармойиши қабул қилинган ҳамда 182 та чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Ишларнинг тизимли ташкил қилинган натижасида ҳисобот даврида жами 1862 та, жумладан, ijro.gov.uz

электрон тизими бўйича 764 та топшириқ ижроси таъминланди.

Шу билан бирга, ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳокимлик аппарати, туман, шаҳар ҳокимликлари ва вилоят ташкилотларида 79 та мақсадли ва комплекс ўрганиш ўтказилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан 165 нафар раҳбар ҳамда масъул ходимга нисбатан интизомий чоралар қўлланилди.

Жумладан, вилоят ҳокими ўринбосарлари (Б.Нуруллаев, А.Шукуров, А.Умаров), Булунғур (Б.Баҳромов), Жомбой (Қ.Собиоров), Иштихон (Ш.Негматов), Пайариқ (Д.Мусинов) ва Қўшработ (Ҳ.Оқбутаев) туманлари ҳокимлари ҳамда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Оқдарё, Каттақўрғон, Нуробод, Пастдарғом, Пахтачи, Тайлоқ, Ургут, Самарқанд, Нарпай туманлари ҳокимларининг ўринбосарларига нисбатан интизомий чоралар қўлланилди.

Жорий йил биринчи ярим йиллик таҳлилларидан келиб чиқиб, иккинчи ярим йилликда вилоят ҳокимлиги томонидан ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида 2030 та топшириқ ижроси таъминланади.

Қўшработ, Жомбой, Каттақўрғон туманлари ҳокимликлари, вилоят молия ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқармаларида кейинги вақтларда ижро интизому сусайтирилгани, мурожаатлар биров қўлайгани сабабли тасдиқланган режа-жадвалга асосан жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида уларда ижро интизому комплекс ўрганилади.

Бундан ташқари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ижро интизомига масъул ходимларнинг вилоят ҳокимлиги аппаратида стажировка ўташи ташкил этилади.

“Е-қарор” электрон тизими — замонавий ва самарали

Ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашда уларни қабул қилиш жараёни тақомиллашгани, яъни Вазиirlар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “Е-қарор” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб “Е-қарор” электрон тизими йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш лозим.



Хўш, бу тизимнинг афзалликлари нимада, унинг қандай қулайликлари мавжуд?

Биринчидан, ушбу тизим қарор ва фармойишларни фақат электрон шаклда, масофавий тарзда қабул қилиш имкониятини яратгани сабабли вақтни тежаш билан бирга, ортқича қозғозликка ҳам барҳам беради.

Иккинчидан, ҳужжатлар лойиҳаси электрон шаклда айланиши, шунингдек, уларни қабул қилишда жамоатчилик назорати ўрнатилгани, шаффофлиги, очиклиги сабабли ҳужжатнинг қонун меъёрларига тўла мос бўлиши таъминлаш имконини беради.

Учинчидан, бу тизим барча жамоатчилик вакилларига ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имконини бергани сабабли норма ижодкорларидан алоҳида билим ва масъулият талаб этиш билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезкорлик билан бартараф этишга ундайди.

Хозирга қадар мазкур тизим орқали Самарқанд вилояти, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан 131 та қарор ва 68 та фармойиш, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг 8 та қарори қабул қилинди.

Ҳар бир мурожаат ижроси назоратда

Самарқандда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ижро ҳолати тизимли мониторинг қилиб борилишини таъминлашда ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Масалан, вилоят ҳокимлигига “ишонч телефони”, ижтимоий тармоқлар, жойларда ўтказиладиган сайёр қабуллар, ёшлар

билан учрашувлар, виртуал қабулхона, очиқ мулоқот орқали тушган ҳар бир мурожаат ижроси электрон тизим орқали кунлик назорат қилиниб, ҳар ҳафтанинг пайшанба куни мунтазам равишда муҳокама этилиб борилади.

Шахсан ўзимнинг телеграм каналимга кўнига 250-300 та мурожаат келиб тушади. Мурожаатларнинг ҳар бири масъул раҳбарларга йўналтирилиб, ижроси тизимли назоратга олинади.

Жорий йил биринчи ярим йилликда ҳокимликка 10 мингдан ортқ эъза, оғзаки ва электрон мурожаат келиб тушган бўлса, ўзимнинг телеграм каналимга 20 мингдан ортқ мурожаат йўлланган.

Муаммоларни ҳал қилиш учун барча зарур қонун ва қарорлар қабул қилинган, давлат томонидан уларнинг манбалари белгилаб берилгани боис, келиб тушган мурожаатларнинг 96 фоизи ўз ечимини топган.

Телеграм каналимга келган мурожаатларнинг 15 фоизи банк соҳасига оид, яъни тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш масаласи бўлса, 5 фоизи бандлик масаласи, 6 фоизи оилавий масалалар ва моддий ёрдам, 5 фоизи электр энергияси, 4 фоизи суд қарорларидан норозиликлар, 3 фоизи уй-жой ва қурилиш соҳасидаги мурожаатлардан иборат.

Ҳар бир мурожаат кўриб чиқилиб, масъуллар белгиланади. Натижада уларнинг қарийб 92 фоизи ўз ечимини топтомоқда.

Сектор раҳбарларининг “маҳаллабай” ишлаш тизимига ўтгани ҳамда ҳокимлар, сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан

жойларда сайёр қабуллар ўтказиш қўлайгани, ҳокимликнинг жамоатчилик назорати гуруҳларининг ўрганишлари мурожаатлар сони кескин камайишига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вилоятнинг қайси ҳудудига борадиган бўлсам, маҳаллаларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, мурожаатларини эшитаман. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киририлган фуқароларнинг турмуш тарзи, уларнинг бандлиги билан қизиқаман. Албатта, буларнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, таҳлил қилинади, муаммо ва камчиликларни ҳал этиш чоралари кўрилади.


Биргина мисол. Жорий йилда ҳудудларда, маҳаллаларда ўтказилган сайёр қабулларимизда 1034 фуқаронинг бандлиги бўйича, 800 га яқин фуқаронинг тадбиркорликни бошлаши учун кредит маблағлари ажратиш, 900 га яқин фуқаронинг электр энергияси таъминоти, 491 фуқаронинг суолтирилган

Бу ишларнинг ижроси ҳам ҳокимлик тизими ходимлари томонидан назорат қилиб борилади.

Шу билан бирга, Самарқанд вилояти шаҳар ва туманлари ҳокимликларида, шунингдек, вазиrлик, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг вилоят бўйича ҳудудий бошқармаларида ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганида бир қатор тизимли камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан:

Биринчидан, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ойлик шахсий иш режаси талаб даражасида шакллантирилмаган, шахсий иш режаларда юқлатилган функционал вазифаларнинг амалий ижроси тўлиқ ва тизимли акс эттирилмаган;

Иккинчидан, “ijro.gov.uz” электрон тизимидаги топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни



газ таъминоти, 319 фуқаронинг ичимлик сув таъминоти ва 122 фуқаронинг ички йўллар ҳолати билан боғлиқ масалаларига ечим топилди.

Бугун ҳаётимизда ижтимоий тармоқларнинг ўрни муҳим. Аҳоли ўз дарду ташвишларини ижтимоий тармоқлар орқали ҳам баён этмоқда. Давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари фаолиятига баҳо бермоқда, жойларда учраётган қўллаб қамчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларини рўй-рост ёзмоқда.

Аслида мана шу фикр, муносабатлар ҳам жойлардаги вазият, аҳоли кайфияти ҳақида тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Шунинг учун биз вилоятимизда ижтимоий тармоқларда тарқатилётган ахборотнинг ҳаққонийлиги юзасидан таҳлил ўтказиб, тезкор, яъни ўзғича билан беш соат ичида муносабат билдириш ҳамда масалага ечим топиш бўйича тартиб белгиладик.

белгилашда камчиликларга йўл қўйилгани боис, 74 та назоратдаги топшириқнинг кечиктириб бажарилишига, 12 та топшириқнинг эса бажариш муддатлари бузилишига йўл қўйилган;

Учинчидан, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят бошқарма ва ташкилот раҳбарларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ичига кириб шугулланмаслиги натижасида фуқароларнинг юқори ташкилотларга, жумладан, Вазиirlар Маҳкамасига гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюриши каби ҳолатлар учрамоқда.

Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидан биридир.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

Гап шу ҳақда борар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган бағрикенглик, минтақа халқлари билан яқин биродарлик сиёсати ҳам Аллоҳга хўш ёқувчи амаллардан эканини таъкидлашдан масруримиз.

Аллоҳ таоло ҳар бир эзгу амалга хайрли ажр ато этади. Улуғ айём арафасида Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни имзоланиб, янги тахрирда қабул қилингани ҳам барчамизни хурсанд қилди.

Бу улуғ иш халқимизнинг ҳамжиҳатлиқда, биродарлик руҳида Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўлиши билан ҳаётимизга янги мазмун бахш этмоқда.

Улуғ айём кунлари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан муқаддас юртимизда яна бир тарихий, жуда улуғ ва ниҳоятда савобли тадбир — “Марказий

ҚУРЪОН ҲАЙИТИ

ХУРСАНДЧИЛИГИМИЗ, САҲОВАТИМИЗ ВА ШУКРОНАЛИГИМИЗ АЖРИ БАЙРАМИ



гўштидан ва ундан тайёрланган таомлардан бир-бирларимизга эҳсон қилишимиз қалбларимизни юмшатиб, одамлар орасида меҳр-муҳаббат ришталари янада мустаҳкамроқ боғланишига хизмат қилади.

Шундай экан, Қурбон ҳайити кунларида савоб ишларни қўлайитириш, рўза тутиш, такбири ташриқ айтиш, покланиш, чиройли кийимлар кийиш, хушбўйланиш, нафл ибодат, қурбонлик қилиш, яқинларига ҳадялар улаштиш айни савобли ишлардан бўлади.

Бу йил Қурбон ҳайитини карантин талабларидан келиб чиқиб, уйимизда, оиламиз бағрида ўтказамиз. Ҳайит кўни хонадонимизда ибодатлар қиламиз, нафл намозини адо этамиз. Имкони борлар уйда қурбонликни адо этади, саховатпеша кишилар эса ўз хайрияларини улашади.

Зеро, улуғ алломаларимиз “Ҳайит кунлари шодлиқни издор қилиш диннинг шiorларидандир”, деганлар. Исломининг шиори бўлган Қурбон ҳайитида хурсандчилигимизни, саховатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намoён қилишимиз зарур.

Дуою илтижоларимизда тинчлик-хотиржамлик, тан-сиҳатлик ва, албатта, катта муаммо бўлиб турган коронавирус касали тезроқ даф бўлишини сўрайлик. Яратган Парвардигор бутун дунё халқларига тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни қабул қилсин. Муқаддас Ватанимизни файзли макон, халқимиз ҳаётини эса бундан-да фаровон айлассин.



Имом Нисобурий айтадилар: “Аллоҳ таолонинг ушбу ўн кечага қасам ичиши, бу кунларнинг нечоғлиқ шарафли ва улуғ кунлар эканига далолат қилади, унда дунёвий ва уқровий манфаатлар борлигини кўрсатади”.

Ҳазрати Пайғамбаримиз “Аллоҳ учун ибодат қилинишга зулҳижжанин ун кунидан сеvimлироқ кунлар йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир”, деганлар.

Қурбон ҳайити — хайр-эҳсон, саховат, меҳр-мурувват байрами. Унда қилинадиган қурбонликлар эса жамиятда кишилар ўртасида тенглик, тотувлик каби инсоний фазилатлар ривож топишига хизмат қилувчи воситадир. Чунки қурбонлик

ФАРМОНГА ШАРХ

Мустақилликдан олдин ҳам, кейинги йилларда ҳам халқимиз узоқ йиллар суд-ҳуқуқ тизимидан ҳайиқиб яшади, оддий одамлар адолатсизликдан кўп азият чекди. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар тизимдаги коррупция, манфаатлар тўқнашуви, таниш-билишчилик қурбони бўлди.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ТИЗИМ ИШ БОШЛАДИ

Суд мажлислари биқик хоналарда ўтди. Ноҳақ ҳукмлар ўзгаририлмади. Фикрлар, далиллар, ҳақиқат бўғилди. Шу тарика одамларда давлатга, тузумга бўлган ишонч йўқолди. Бу оддий фуқаролар қаддини бўкиб қўйди. Шу манзаралар мамлакат суд-ҳуқуқ тизими жиддий испохотларга муҳтож бўлганига ишора эди. Ниҳоят, 2016 йилдан бу тизимда ҳам ўзгаришлар кузатила бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ўз номига яраша тизимга айлантириш

мақсадида соҳани тубдан ислоҳ қилишга киришди. Бу жараёнда тегишли фармон ва қарорлар қабул қилинди, қонунчиликка жиддий ўзгаришлар киритилди. Бугун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар том маънода халқчил тузилмага айланди. Одамларнинг одил судловга бўлган ишончи ортди. Ҳақиқат излаган минглаб фуқаролар мақсадига эришди. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги чоратадбирлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида кўзда тутилган бўлиб, унда белгиланган вазифаларни бажариш доирасида суд-ҳуқуқ тизимининг ажралмас, муҳим бўғинларидан бири — суд-экспертилик фаолиятини янада такомиллаштириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Президентимизнинг жорий йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертилик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шерзод РАБИЕВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Фармонга кўра, Адлия вазирлигига нодавлат суд экспертизаси органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш борасида ваколатли орган сифатида қўшимча вазифалар юклатилди. Вазирлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, Суд-экспертилик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари “Е-eksperitiza” ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш, нодавлат суд экспертизаси ташкилотларига субсидиялар ажратиш, янги экспертиза турларини амалиётга киритиш, давлат суд экспертизаси муассасалари моддий-техник базасини мустақамлаш ҳамда ҳар йили камида 10 нафар суд экспертнинг хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйиш учун сарфланади.

Фармондаги яна бир эътиборли жиҳат, 2021 йил 1 сентябрдан суд экспертизасининг мўйян тури бўйича узлуқсиз равишда камида сунги 3 йил давомида суд-экспертилик фаолиятини амалга ошириб келаётган давлат суд экспертилари ўшбу ихтисослик бўйича қайта тайёрлашдан ўтмасдан, нодавлат суд эксперти сертификатини олиш учун якуний имтиҳон топширишга ҳақли бўлади.

Шу билан бирга, давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рағбатлантириш шартлари давлат суд экспертизаси муассасалари ходимларига нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

Нодавлат суд экспертларининг ўз касбий мажбуриятларини бузиши оқибатида етказиладиган зарардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат суд экспертизаси ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби ва уларни ҳар 3 йилда бир маротаба аттестациядан ўтказиш тизими жорий қилинади.

Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали экспертиза тадқиқотларига бўлган эътиборини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатини инобатга олган ҳолда, 2021–2025 йилларда қўшимча равишда 16 та янги суд экспертизаси тури амалиётга киритилади. Буларга мисол сифатида радиотехника, видеотехника, фототехника, дендрология, парфюмерия маҳсулотлари кимёвий таркибини аниқлаш, газ ва электр техникаси объектларининг портлаш техник экспертизаларини келтириш мумкин.

Давлат ва нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари 2023 йил 1 июнга қадар уларнинг фаолиятини таъминлаш ишчу ўшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришлайдиган, четдан олиб келинадиган асбоб-уску-



налар, махсус жиҳозланган автотранспорт воситалари, дастурий таъминотлар, реактивлар, реагентлар ва сарфлаш материаллари ҳамда фойдаланишда бўлган асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари учун боғхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва боғхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳудудий бўлиналари эҳтиётларини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайликлар яратиш мақсадида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ҳудудий бўлимларида экспертиза тадқиқотларининг қўшимча турлари Фарғона, Термиз, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда материаллар, ашёлар ва бўюмлар криминалистик экспертизаси лабораториялари босқичма-босқич ташкил қилинади.

Келгусида мавжуд 55 та экспертиза тури сони 71 тага етказилади. Суд экспертизасини ўтказишда фойдаланиб келинаётган 700 дан ортиқ турдаги услубий қўлланмалар танқидий кўриб чиқилиб, амалиёт уйғунлаштирилади. Шу билан бирга, ҳар йили камида 10 нафар суд экспертнинг хорижий муассасаларда малака ошириши ва стажировка ўташи таъминланиб, уларнинг ижобий тажрибаси миллий амалиётга таъбиқ қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур фармон суд экспертизаси соҳасидаги испохотларни янада чуқурлаштириш, нодавлат суд экспертизаси ташкилотлари фаолиятини жадал ривожлантириш рағбатлантириш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносоиб ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мантйқий давоми, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган эзгу ғояни ҳаётга изчил таъбиқ этиш борасида навбатдаги муҳим қадамдир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Акрам ХАЛИЛОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори:

— Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикасида суд-экспертилик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг асосий мақсади халқро нормалар ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ишончли суд экспертизаси хулосаларига бўлган эҳтиётини қондириш, суд-экспертилик фаолиятини тизимли такомиллаштириб бориш, барқарор ва илмий талабга жавоб берадиган суд экспертизаси тизимини шакллантириш, суд жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш ҳамда суд экспертлари ҳолислиги, мустақиллигини таъминлашдан иборат.

Концепция бўйича 2021-2023 йилларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “йўл харитаси” тасдиқланди. Унда соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, суд-экспертилик амалиётини кенгайтириш ҳамда суд экспертизалари сифати ва ишончилигини ошириш, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини кўпайтириш, нодавлат суд экспертизаси институтини ва халқро ҳамкорлиқни ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустақамлаш каби бир қатор устувор йўналишлар белгиланди.

Шунингдек, концепцияни амалга ошириш бўйича кенгаш таркиби

тасдиқланди. Кенгашга суд экспертизаси соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни тизимли ҳал қилиш юзасидан идораларо ҳамкорлиқни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва илмий доиралар вакилларини жалб этган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари, матбуот анжуманлари ташкил қилиш вазифалари юклатилди.

Бу жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилади. Жамоатчилик назорати эса, ўз навбатида, тизимда коррупциянинг олдини олиш имкониятини кенгайтиради.

Фармон билан Республика суд экспертизаси маркази тузилмасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 15 та штат бирлигидан иборат Суд-экспертилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилмакда. Институтга ҳар йили камида 15 та илмий-тадқиқот ишини амалга ошириш, суд экспертизаси муассасаларига илмий-услубий кўмак кўрсатиш, услубий қўлланмаларни танқидий кўриб чиқиш ва амалиётни уйғунлаштириш вазифалари юклатилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлат ва нодавлат суд экспертизаси ташкилотларида шартнома асосида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бунда ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси тадқиқотлари рўйхати



Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва тадқиқот натижаларига кўра мутахассис фикри берилади.

Шунингдек, жорий йил 1 сентябрдан иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда адвокатга суд экспертизаси ташкилотларида шартнома асосида экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишга рухсат берилади. Мазкур ҳуқуқ одил судлов жараёнида томонларнинг тортишуви, мустақиллиги ва қонун устуворлиги принципларини таъминлаш мақсадида суд ва тергов органларидан мустақил равишда экспертиза тайинлаш орқали адвокатлар фаолиятини юксалтиришга замин яратлади.

Ҳаётимизга илғор техника ва технологиялар кириб келмокда. Илмфан ютуқлари ҳар бир соҳада фаолият самарадорлигини оширишда, кўзланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда Президент фармонига мувофиқ, 2022 йил 1 мартдан аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертилик фаолиятига доир маълумотлар етказиш, ахборот ҳамкорлигининг барча турларини

таъминлаш учун мўлжалланган “Е-eksperitiza” ягона электрон ахборот тизими жорий этилади.

Бу, ўз навбатида, суд экспертизаси соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали суд экспертизаларини ўтказишга сарфланадиган вақтнинг қисқаришига, экспертиза тайинловчи органлар билан экспертлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар электронлашишига, суд экспертизаси ташкилотлари ўртасида ягона услубий шаклланиши ва бир хил иш юритилишига эришилади. Бундан ташқари, статистик ҳисоботлар ва маълумотлар тезкор шакллантирилади.

Мазкур электрон тизим ишга тушиши билан судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд экспертизаси ташкилотларининг ўзаро ҳужжат айланишида ҳамда унинг ҳавфсизлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришилади. Шунингдек, суд экспертларининг иш жараёнини енгиллаштиради, ортиқча вақт ва қоғоз исрофгарчилигининг олдини олади. Шу билан бирга, экспертиза натижалари ҳақида тезкор хабар бериш, пул тўловлари учун электрон шартномалар олиш ва бошқа бир қанча қулайликлар яратилади.

Ўшбу соҳада салоҳиятли кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда олий таълим муассасаларида дуал таълим принципига мувофиқ, бакалавр ёки магистратура босқичларида таълим олаётган даврда олти ойлик курсларда суд экспертизаси соҳаси кадрларини тайёрлаш имконияти яратилмокда. Бунда курслар олий таълим муассасалари ва давлат суд экспертизаси муассасалари билан тузиладиган шартнома асосида фаолият юритади.

МЕҲР-САХОВАТ ҲАРАКАТИ

ЮРАКДАН-ЮРАККА ЙЎЛ ОЧИБ...

Шу йил Рамазон ҳайити кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига бориб, бемор болалар ҳолидан хабар олган эди.



Давлатимиз раҳбарининг “Сизлар ҳаммагиз — менинг фарзандларимизлар. Ҳар куни қулиб туриб, ота-оналарингиз мадад бўлишларингиз керак. Албатта тузалиб кетаман, деган интилишингиз бўлиши керак. Биз буниг учун ҳамма шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз”, дея меҳр билан айтган гапи бемор болалар ва уларнинг ота-оналарига катта умид бағишлаганди...

Болажон халқимиз. Фарзандларимизни соғлом вояга етказиш барчамиз учун уялкан масъулият ва туганмас бахт. Лекин ҳаёт турфа тақдирлари билан синовли. Ораимизда дардманд болалар ҳам бор. Уларнинг айримлари юртдошларимиз кўмагига, меҳрига муҳтож.

Шу маънода, Президентимизнинг 2020 йил 10 февралдаги қарори гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, онкогематология ҳамда даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлаётганини шу кутлуг кунларда яна бир бор эсга олиш ўринли.

...Қурбон ҳайити арафасида эзгу қадриятларимизга ҳамоҳанг меҳр-саховат ва ҳайрия тадбирлари янада авж олди. Жумладан, “Enter Engineering”



компаниялар гуруҳи Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги биносига зарур машиий техника воситалари ва кўрпа-ёстиқ жилдларини етказиб берди.

Шунингдек, бу ерда Миллий гвардия билан ҳамкорликда бемор болалар учун байрам тадбири уюштирилди.

Миллий гвардия оркестри ижро этган куй-қўшиқлар бемор болалар ва уларнинг ота-оналарига байрамона кайфият улашди. Фахрий қоровул ротасининг кўргазмали чиқиши ҳам барчани мафтун этди. Байрам иштирокчиларига совғалар улашилди.

— Қурбон ҳайити арафасида бемор болалар учун байрам тадбири ташкил



этишни ният қилгандик. Оғир хасталик билан курашаётган бу кичик қаҳрамонларнинг қўзлари умид билан ёниб турганини кўриб, таскин топдик, уларнинг дардига Яратгандан шифо тиладик, — дейди “Enter Engineering” компаниялар гуруҳи вакили Бекзод Мирзабеков.

Юртимизда бу каби меҳр-саховат ва ҳайрия тадбирлари давом этмокда.

БУГУННИНГ ГАПИ

Вирусдан сақланишнинг ягона йўли – ВАКЦИНАЦИЯ

**Алишер ШОДМОНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори**

Инсон умрининг узоқ ё қисқа бўлиши, аввало, атроф-муҳит, иқлим, ирсият, турмуш тарзи, турли касалликлар каби омиллар бевосита таъсири билан боғлиқ. Ўтган аср бошларида дунёда одамларнинг ўртача умр ёши 35 йил бўлган бўлса, замонавий тиббиёт ва янги технологияларнинг ёрдами туфайли бугунги кунда ушбу кўрсаткич 72 ёшга ташкил этмоқда.



Одамзод азалдан ўлат, вабо, чинчечак, полиомиелит каби юқумли касалликлар билан касалланган ва катта талафотлар кўрган. Янги минг йилликда бу касалликлар батамом тугатилиб, уларнинг ўрнига одамлар илгари кўрмаган ва билмаган, кўплаб ўлимларга олиб келадиган, ўта хавфли вирусли касалликлар пайдо бўлмоқда.

Атроф-муҳит, иқлим ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши, миграцион жараёнлар фаоллашуви баъзи вирусли юқумли касалликларнинг дунё бўйлаб эпидемия, пандемия тарзида кенг тарқалишига олиб келаётди.

Ўтган йилдан буён давом этаётган COVID-19 пандемияси инсоният тарихида халқаро аҳамиятга эга бўлган ўта хавфли факултодада вазият сифатида тан олинди. Табиат ва жамиятда янги-янги вируслар пайдо бўлиши, одамлар орасида тарқалиши ва касаллик қаҳриши табиий ҳолат. Инсоният ва жаҳон тиббиёти ушбу касалликларга қарши курашишга, уларнинг олдини олишга ҳар доим тайёр турмоғи лозим.

COVID-19 пандемияси бутун дунё соғлиқни сақлаш тизими олдига ўта муҳим ва жиддий муаммоларни қўйди. Ўзбекистонда эпидемиологик вазият нисбатан турғун бўлишига қарамай, дунёдаги таҳликали вазият, вируснинг янги-янги штаммлари пайдо бўлиши зудлик билан улар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўришни тақозо қилади.

Мазкур инфекцияга қарши курашишнинг энг самарали усули — аҳолини оммавий эмлаш. Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 апрелидан аҳолини бепул оммавий эмлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу “ZF-UZ-VAC 2001”, “Спутник V”, “AstraZeneca” каби вакциналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Учала вакцина ҳам клиник синовлардан ўтказилган.

COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши, кўплаб ўлим юз бериши, жиддий асоратлар қолдириши кўпчиликка маълум бўлиб улгурди. Касаллиқни дори-дармонлар ёрдамида даволаш ҳам катта самара берайди. Шундай экан, унинг олдини олиш, касалликдан сақланишда вакцинация биринчи планга чиқмоқда.

Аҳолини кўпгина юқумли касалликларга қарши профилактика эмлаш узоқ йиллардан буён қўллаб келинади.

Мазкур инфекцияга қарши курашишнинг энг самарали усули — аҳолини оммавий эмлаш. Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 апрелидан аҳолини бепул оммавий эмлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу “ZF-UZ-VAC 2001”, “Спутник V”, “AstraZeneca” каби вакциналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Учала вакцина ҳам клиник синовлардан ўтказилган.

Эмлаш туфайли чинчечак, полиомиелит, дифтерия каби юқумли касалликлар батамом тугатилиб, кўйўтал, қизамик, қоқшол, паратит каби касалликлар кескин камайитирилган. Бу, аввало, иммунопрофилактиканинг самараси.

Иммунопрофилактика юқумли касалликларга қарши курашда энг самарали тадбирлардан биридир. Бу борада эришилган ютуқлар айнан эмлаш ишлари билан боғлиқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юқумли касалликларга қарши курашиш, уларнинг айримларини батамом тугатиш, баъзиларини кескин камайитириш дастури ҳам айнан иммунопрофилактикага асосланади.

Ўзбекистонда эмлаш дастурини амалга ошириш борасида муайян ютуқларга эришилган. Аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, иммунопрофилактика стратегияси мамлакатимизнинг амалдаги қонунлари, ЖССТ тавсияларига асосланган. Шунингдек, бу жараён қулай, бепул ва аҳолининг кенг қатламларини қамраб олади.

13 июль ҳолатига кўра, дунё аҳолисининг 13 фоизи COVID-19 га қарши эмланган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Эмланганларда эмлашдан кейин жиддий асоратлар ва ўлим ҳолатлари кузатилмади.

Эмланганда касаллик юкмайди, деган тушунча кўпчиликнинг онига



сингиб кетган. Аслида эса профилактика эмлаш касаллик юқишини тўлиқ бартараф этмаслигини эслатиш жоиз. Вирус эмланган кишиларга ҳам юқиши мумкин, аммо уларда касаллик енгил шаклда, асоратларсиз кечади.

Эмлаш жараёнида мавҳум, ишончсиз ва асоссиз тарғиботларга ҳам дуч келинмоқда. Тиббиёт мутахассиси бўлмаган баъзи кишилар ижтимоий тармоқлар орқали эмлашга қарши, айниқса, янги вакциналар ҳақида ҳар хил хабарлар тарқатмоқда. Шунинг учун эмлаш ва вакциналар ҳақидаги маълумотлар ишончли, асосланган манбалардан олиниши мақсадга мувофиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

COVID-19га қарши вакциналарнинг деярли барчаси икки ёки уч марта эмлашга мўлжалланган.

Дунёдаги кўплаб тиббиёт муассасаларида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, COVID-19га қарши бир неча марта эмланиш вакцинанинг ҳимоя кучини бир неча баробар оширади. Биринчи маротаба эмлангандан икки ҳафта кейин касалликдан ҳимояланиш даражаси 52 фоиз экани кузатилган. Исроиллик олимларнинг тадқиқотлари натижаси COVID-19га қарши икки маротаба эмланганларга антитаналар титри бир маротаба эмланганлардагига нисбатан 6-12 марта кўпроқ эканини кўрсатди.



COVID-19 га қарши вакцинани қайси ҳолатларда олиш керак? Қайси ҳолатларда эмлаш керак эмас? Бу саволлар ҳам аҳолини энг кўп қизиқтирмоқда.

Мутахассислар фикрича, ҳар қандай касалликка қарши эмлашда унинг фойдаси ва зарарини ҳисобга олиш лозим. COVID-19 бўйича эмлашда ҳам қарши кўрсатмалар мавжуд. Хусусан, 18 ёшга тўлмаганлар, ҳомиладорлар, эмизикли оналар, ўткир касалликлар хуружи давридаги беморлар ва вакцина оқсилларида ўта сезувчанлиги бор кишилар эмланмайди.

Шунингдек, фуқаролар эмлангандан кўра, касаллиқни ўтиш яхши эмасми, деган саволни ҳам кўп берапти. Тўғри, эмланиш масаласини ҳар ким ўзи мустақил ёки даволочи шифокори иштирокида, мавжуд эпидемиологик вазият ва ўзининг саломатлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Шунинг назарда тутиш керакки, агар қарши кўрсатма бўлмаса, эмлаш соғлиқ учун кўпроқ фойда келтиради. Чунки эмлашдан кейин пайдо бўладиган иммунитет касаллиқни ўтгандан кейинги иммунитетдан кучлироқ бўлади. Эсдан чиқармаслик кераки, ер юзи аҳолисининг 22 фоизи ёки беш нафаридан бирида COVID-19 нинг оғир клиник шаклига сабаб бўлувчи қўшимча касалликлар мавжуд. Касалликдан кейинги асоратлар, иш кунлари йўқотилиши, қўланиладиган дори-дармоннинг ноқўя таъсири, касалликнинг оила аъзоларига юқиши каби салбий оқибатлар беморларни даволагандан кўра, аҳолини эмлаб, касалликнинг олдини олиш ниятда афзал эканини кўрсатади.

Юртдошларимиздан COVID-19 инфекциясига эрта ташхис қўйиш, даволаш ва касалликнинг олдини олиш ва унга қарши эмлашда мутахассислар фикрига, илмий асосланган тавсияларга амал қилишларини сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЮКСАК ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

**Музафара АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар аҳолининг соғлом турмуш кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадлар рўёбига замин яратди. Бундай кенг қамровли ишлар натижасида оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими эса 3,4 баробар камайди. Камолга етаётган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келмоқда.



Шунингдек, ўз вақтида фуқароларимизга кўрсатиб келинаётган тиббий хизмат ва соғлом турмуш тарзи учун яратиб берилган шароитлар натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ўртача умр давомийлиги 73,8 ёшга, хусусан, эркаклар учун 71,4 ёшга, аёллар учун эса 76,2 ёшга ташкил этмоқда. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат билан таъминлаш, рационал овқатланиш маданиятини тарғиб этиш, озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали элементлар билан бойитиш, микронутриент танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш ишлари ҳам тизимли тартибда йўлга қўйилган.

Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, охириги 5 йилда тиббиёт олийгоҳларига бакалаврият таълим йўналишининг мақсадли қабул квотаси 20 фоиз, мақсадли магистратура 10 фоиз, клиник ординатура квотаси эса 15 фоиз оширилди. Юқори малакали тиббиёт кадрларига юқори талаб мавжуд бўлган ҳудудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш механизми йўлга қўйилди.

Шунингдек, замонавий билимларни чуқур эгаллаган юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида юртимизда ривожланган давлатлар тиббиёт олий ўқув юр்தларининг филиаллари очилди. Шифокорларимизнинг хорижий давлатларда тажриба ўрганишлари ташкил этилиб, чет эллик тиббиёт мутахассисларини жалб этиш борасида ҳам қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Натижада 30 йиллик тарихан қисқа вақтда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, хирургия, кардиология, урология, терапия, эндокринология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал ва ишончли тармоғи вужудга келди. Айниқса, соҳада бирламчи бўғиннинг янги, илҳам ва замонавий тизими шаклланиши, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда оилавий поликlinikаларда аҳолига юқори сифатли тиббий хизматнинг йўлга қўйилгани бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, фуқароларимиз жуда катта маблағ сарфлаб чет элларда амалга ошириб келаётган нозик ва қийин жараҳотлик амалиётлари нафақат пойтахтимиз, балки вилоятлардаги даволаш муассасаларида ҳам муваффақиятли бажарилаётган соҳа моддий-техник базаси ва тиббий кадрлар салоҳияти давр билан мутаносиб равишда такомиллашиб бораётганидан далolat беради.

Хусусан, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси доирасида ҳам аҳолига қулай ва сифатли бирламчи тиббий-санитария, тез тиббий ёрдам ҳамда

ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, гематологик, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган бошқа касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, улар профилактикасини кучайтириш ва келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиши янги босқичга кўтариш, ка-



салликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, соҳага илғор ташхис усулларини жорий этиш ва гематологик касалликларни даволашда трансплантация усулини ривожлантириш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни даволашни молиявий томондан қўшимча қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадида гематологик касалликларга ташхис қўйиш учун тиббиёт муассасалари лабораториялари реагентлар билан таъминланганлик даражасини 7,5 баробар ошириш режалаштирилмоқда.

Чунончи, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги беш ўқув йили давомида “Гематология ва трансфузиология” мутахассислиги йўналиши бўйича магистратура ва клиник ординатурада кадрларни давлат гранти асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Худудий тиббиёт муас-

сасалари гематолог ва лаборантларининг асосий иш жойларида ойлик маоши сақлаб қолинган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши ташкил этилади.

Шунингдек, сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари ҳам қўрилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги қарори билан жорий йил 1 июлдан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмлари билан боғлиқ тажриба-синов лойиҳа ишлари бошланди. Лойиҳа натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизими юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-босқич жорий этилади.

Сўнгги йилларда фармацевтика соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистон фармацевтика бозорида МДХ давлатлари ичидан Россия ва Украинадан кейин 3-ўрини эгаллаб, соҳанинг ўсиш динамикаси йиллик 8-10 фоизни ташкил этмоқда. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам кундан кунга ортиб, 2020 йил якунига кўра, улар сони 202 тага етди.

Тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2016 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун давлат бюджетидан 5,4 триллион сўм, дори-дармон ва тиббий буюмлар учун 227 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилга келиб, соғлиқни сақлаш тизими учун 16,5 триллион сўмга, дори-дармон ва тиббий буюмлар учун 1,7 триллион сўмга оширилди. Бунинг натижа-



сида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларини манзилли тиббий-ижтимоий хизмат билан қамраб олиш орқали уларнинг жамиятга мослашуви ва интеграцияси таъминланмоқда.

Бу ислохотлар 2020 йил бутун дунё учун синовли бўлган пандемия даврида халқимиз саломатлигини асраб-авайлашда ўзининг ижобий натижаларини яққол намойён қилди. Тиббиёт муассасаларимизнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани, фуқароларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи шаклланиб бораётгани пандемия даврнинг кучли бўлган икки тўлкинидан ҳам кам талафот билан ўтиб олиш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлгани каби аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам улкан натижаларга эришилди. Қўвонарлиси, бу борада бошланган ишлар тизимли тарзда давом эттирилмоқда.



Бугун Навоийни ўқийшимиз керак. Одабийликнинг, илму маърифатнинг қадрига етиш учун ҳам ул зотнинг бизга қолдирган улкан меросини ўқиб ўраниш жуда-жуда зарур. Агар эътибор берсангиз, буюк аллома яратган достонлар, шеъру газаллар, ҳикматли ибораларнинг ҳар бир бандида инсонийлик шеваси, адаб ва хулқ қондалари теран маъно касб этган. Навоий ўз қарашларида ҳаммиса фарзанд тарбияси, унинг кичик ёшидан бошлаб хушхулқ, яхши фазилат эгаси бўлиб камол топиши муҳимлигини уқтирган. Энг зарур вазифа — болани ёшлигидан тарбиялаш, илму адабга ошно қилишда, деб билган.

Улча эрур тифлга шоиста иш,
Билки кичикликда эрур парварииш.

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ

Ашурали БОЙМУРОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ҳақиқатан ҳам, ушбу сатрларда Навоий бола тарбияси энг долзарб вазифа эканини баён этган. Тўғри, фарзанд — бебаҳо нъмат. Аммо боланинг оиладаги ўрни унинг хулқи, илму ҳунарга мойиллиги билан белгиланади. Бу дунёда яхши ном қолдириш учун яхши амалларга эргашиш, ҳар қандай вазиятда ҳам эзгулик сари қадам ташлаш одабийликнинг ягона белгисидир. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади:

*Қила олгунча ул бўлсун шиоринг,
Ки яхши ном қолгай ёдгоринг.
Ёки
Бу гулшан ичра йўқдур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшиллик била от.*

Чиндан ҳам ҳаётда яхши ном қолдириш учун ҳар бир инсон эзгулик йўлидан боргани маъқул.

Апломанинг “Фарҳод ва Ширин” достониди боланинг кичикликдан бошлаб илм ўрганишга интилиши, ҳунар эгаси бўлиш учун ўқиши, изланиши, билимларни пухта эгаллаши муҳимлиги Фарҳод тимсолида



катта маънавий сабоқ чиқариш зарурлиги муҳим вазифага айланмоқда. Айниқса, Навоий яратган ҳикматли сўз ва ибораларда ҳалол бўлиш, бойлик, мол-дунё ҳирсига берилмаслик хусусида ибратли фикр айтилади.

НАВОЙГА ҚАЙТГИНГ, НАВОЙНИ ЎҚИГИНГ КЕЛАВЕРАДИ



жуда таъсирли ифодаланган. Ҳоқон фарзанди, тахт вориси бўлишига қарамай, илмни, ҳунар эгаси бўлишни афзал билади, ҳар бир ишга кўнг билан киришади. Фарҳоднинг Қорандан тош йўнишни, Монийдан сурат чизишни, Бонийдан бино қуришни ўрганишини Навоий ибрат қилиб кўрсата олган.

*Ҳар ишники қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш*

одамизод...

деган мисраларда ҳар бир ишнинг бошини тутишдан олдин ақл ва билим зарурлиги алоҳида таъкидланади. Инсонларга нафитин тегиши учун ҳар бир даврда тadbиркорлик ва ҳунарпешаликнинг аҳамияти тўлақонли очиб берилади. Фарҳоднинг ўз халқи фаровонлиги учун тоғни қазиб сув чиқариши, боғ-роғлар бунёд этиши, бино ва қасрлар қурилишида иштирок этиши унинг юксак ақл эгаси, меҳнатсевар ва элпарвар эканидан далолат беради.

*Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққама кетгумдир охир*

деган сатрларда эса, дoston қаҳрамонининг идеал сифатлари, юксак инсоний фазилатлари яқин ифодаланган.

Мамлакатимиздаги ҳозирги туб ўзгаришлар, янги Ўзбекистонга монанд замонавий кўркам бинолар, ақлли шаҳарлар барпо этилаётганда беихтиёр Фарҳодлар тисолини кўргандек бўламиз. Замонамиз Фарҳодларнинг жасорати, ҳеч шубҳасиз, қалам аҳлининг қалбини жунбушга келтиради. Ушанда беихтиёр Навоийга қайтинг, Навоийни ўқингиз келаверади.

Улуғ шоирнинг қайси бир асарига мурожаат қилманг, ундan катта бир маънавий озуқа топасиз. Зеро, одамларни инсоф ва диёнатга, тўғрилиқ ва ҳалолликка ундовчи ўзгал мисралардан баҳраманд бўлиш, яхшилик ва эзгуликни, адолат ва садоқатни тараннум этувчи битиклардан

Гадо улдурки, сочмагаю тергай.

Ёки

Не ишқ ким шах топиб

андин Навоий,

Вале юз қатла ор этгай гадоий.

Навоий бойлик орттириш, қимматбаҳо нарсалар ортдан чопадиганларни, ҳаммиса ганжу тажаммул иликжида юрадиган кимсаларни қоралайди.

*Ганж сочиб бўлмас экан тутса кўз,
Қилгай ани вақтида бир яхши сўз.*

*Ганж умидидин кимки чеккан ранж,
Ранж зойиб эмас чу тоқпақ ганж.*

Юқоридагилардан шу нарсa ангилаши-ладки, Навоий оқкўз ва муттаҳамларни, порахўру юлғичларни ёмон кўрган. Узи бош вазир лавозимиди бўлганида ҳам бундай иллатларга асло йўл қўймаган. Халқни алдаб ортиқча хирож тўплаган кимсаларни қаттиқ жазолаган. Ҳозир жамиятимиздаги салбий ҳолатлар — коррупциянинг турли шаклларини ўзида намоён этаётган порахўрлик, ўғрилик, бировлар меҳнатни эвazига бойлик орттириш иллатларини Навоий фош этган ҳижатларга менгзаш мумкин. Демакки, унинг бош илдизи маънавиятсизликка, ахлоқсизликка бориб тақалади.

Нима бўлганда ҳам одамларни юксак маънавиятга, қомиллик саодатига элтувчи ягона йўлни Навоий ақлу ҳикматда, илмида деб билган. Аллома маънавияти паст кишиларни

Ҳар кимсаки ақли кўнглидин
зойилдур,
Қорун эса оқил қошида сойилдур

деб таърифлаган. Яъни Қорун каби энг бадавлат бўлса ҳам ақлчилар олдида гадолардир. Президентимиз таъбири

билан айтганда, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”.

Шарқ донишмандлари, “Энг катта бойлик бу — ақл заковат ва илм, энг катта мерос — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — билимсизликдир”, дея таъкидлашган. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Навоий адабини, яъни, ахлоқ-одобни жуда қадрлаган. У яшаган давр ақидасига кўра, ахлоқ ҳар кимнинг пешонасига азалдан ёзилган илоҳий ҳолат деб қаралар эди. Албатта, бу хато фикр бўлган. Навоий ахлоққа одам фаолияти махсули, деб баҳо беради ва уни тузатишга фақатгина инсоннинг ўзи қодир, деган фикрни илгари сурлади.

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ёмон ахлоқни этса бартараф.*

*Кишига неча етса мушқил ҳол,
Ақлу ҳикмат эрур анга ҳалол.*

Навоий илмни эгаллаб, ақлга асосланмишга инсон тарбиясидаги асосий бош мезон деб қараган. Бу билан ақл кучи билангина киши инсонни зийнатловчи фази-

латларни эгаллайди, деб хулоса қилган. Дарҳақиқат, нафақат Навоий даврида, балки бугун ҳам бу ғоя ўз кучида турибди. Иккинчи Ренессанс даврида улуг боболаримиз илгари сурган маънавий-маърифий қарашлар ҳозирга келиб, янгиланаётган Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлса, ажаб эмас. Бу пойдевор фақат ва фақат илму маърифат орқалигина бунёд этилади.

Сўзимиз аввалида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан иқтибос келтирган эдик. Фикримизни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, буюк ўзгаришларнинг барчаси илм орқали юзага келади. Ҳозир мамлакатимизда ёшларнинг ўқиб, билим олишлари учун барча шароит муҳайё. Хорижнинг нуфузли олий ўқув юрталарида таҳсил олаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, халқаро фан олимпиадаларида кўлга киритаётган ютуқлари тахсинга сазовор. Интеллектуал салоҳиятга эга бўлган изланувчан ёшлар жамиятимизнинг куч-қудратига айлана-жак. Улуғ Навоий оруз қилган кунларга етиб келдик. Келажақ бугунги шижоатдан юксалмоқда.

Айтиш лозимки, Алишер Навоий бир умр адолат, ҳақиқат ва тўғрилиқ курашчиси бўлиб яшади. У юрт фаровонлиги, мамлакат ободлиги адолатли ҳукмдорга боғлиқ, деб ҳисоблар ва бир вақтнинг ўзида подшоҳларни одил бўлишга қорлар эди.

*Шоҳки иши адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.*

Буюк шоир зулмга, адолатсизлик ва ноҳақликка қарши тинимсиз кураш олиб борди. Ўзининг қаҳрамонлари — Фарҳод, Қайс, Ширин, Лайли, Дилором, Искандарлар орқали ана ўша ёвузлик, макр ва зулмга қарши кескин курашди ва маънан зафар қучди. Ҳозир ҳам улуг Навоийнинг бебаҳо асарлари инсонни маънавий қамолотга етказишда, ёшларни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб келяпти.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини тубдан яхшилаш борасида катта вазифалар олдимизга қўйилаётган экан, биз ижодкорлар ижодий-маънавий тарғибот ишларини Навоий олами билан боғлаб олиб борсак, айнаи муддао бўлур эди.

Шундай экан, маънавий оламимизни бойитишда буюк шоир ва мутафаккир асарларини ўқиш, ҳаммиса ўрганиб боришнинг одатга айлантиришимиз зарур. Унинг эзгу ғояларини, ўлмас ҳикматларини ёшлар онига синдириб бориш ҳар бир зиёли инсоннинг маънавий бурчи бўлиб қолмоғи даркор.

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ТИЛ СИЁСАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



**Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор**

Мамлакат мустақиллиги арафасидаги лисий вазият

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 20-30-йилларида амалга оширилган “маданий инқилоб” миллий маданиятга салбий таъсир қилди. Давлат расмий мафқураси томонидан ўзбек халқининг минг йиллик урф-одат ва қадриятлари ўтмиш саркити сифатида қораланди.

Ўзбекларнинг қадим тарихи, маданияти акс этган араб имлоси 1929 йилда лотин, у эса 1940 йилда кирилл имлосига алмаштирилди. Собиқ иттифоқ ҳудудидagi рус бўлмаган халқларнинг миллий адабий тиллари, жумладан, ўзбек тилининг ҳам турли соҳадаги қўланиш доираси анча чекланди, уларнинг тўлақонли ва эркин ривожига суъний тўсиқлар қўйилди ва аксинча, бутун эътибор рус тилини тарғиб қилишга, унинг дунё миқёсидаги нуфузини оширишга, қўлланиш доирасини кенгайтиришга қаратилди.

Мамлакатдаги барча тиллар учун умумий лугавий фонд яратишга ҳаракат қилинди, миллий грамматикалар рус тили грамматикасига тўлиқ мослаштирилди. Грамматиканинг “байналмилал”лиги тарғиб қилиниб, тилларни унификациялаш кучайди. Мавжуд сўзлар ўрнига русча ва рус тили орқали кирган байналмилал сўзларни қўллашга эътибор қучайтирилди.

Шу таразда рус тилидан бошқа тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг ҳам ривожланиш имконияти тўсиқли, иш юритиш, анжуман, симпозиум, мажлислар тили вазифасини рус тили бажарадиган бўлди. Илмий тадқиқот ишлари рус тилида қилинадиган, диссертациялар шу тилда ёзилган ва ёқланадиган бўлди. Ўзбек тилининг илмий ва расмий услублари деярли ривожланмади — амалда республиканинг давлат тили рус тили бўлиб қолди.

Миллий уйғониш ва тил сиёсати

Юзага келган бундай аҳвол, табиийки, илгор зиёлилар ўртасида норозилик қилиштиришга, мил-тўли гурур, миллий ифтихор ҳисси уйғонишига олиб келди. 80-йиллар ўрталаридан бошлаб матбуотда ўзбек тили, ислом дини, миллий маданият ва қадриятларни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш, уларни халққа етказиб беришга даъват этувчи мақолалар чоп этилди, шу масалаларга бағиш-лаб турли даражадаги илмий-амалий йиғинлар, анжуманлар ўтказилди.

Бундай ҳаракатларнинг натижаси ўларoқ, халқ хоҳиш-иродаси ва талаблари асосида 1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу қонуннинг эълон қилиниши ўша давр учун катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. У ўзбек тилининг рус тили соясидиги, фақат кўча ва оилада фойдаланиладиган иккинчи даражали бир тилга айланиб қолиш хавфига чек қўйди. Аксинча, ўзбек тилини олий даражадаги давлат анжуманларида қўлланадиган, Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари юритиладиган, ривожланиш истиқболи қонун билан белгиланган тилга айлантирди.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин 2 йил ўтгач, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди. Шу сабабли қонуннинг бир қанча моддалари ўз кучини йўқотди ёки тахрирга муҳтож бўлиб қолди — “Давлат тили ҳақида”ги қонунни ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Натижада 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлисининг 6-сессиясида “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг янги тахрири қабул қилинди. Қонуннинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома матнлари давлат тилида ва ахдлашувчи томоннинг тилида ёзилиши

таъкидланади. Бу модда ўзбек тилининг жаҳон миқёсидаги расмий давлат тили сифатида эътироф этилиши, вазифа доираси кенгайиши ва нуфузи кўтарилишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ҳаётида рўй берган ва рўй бераётган жиддий ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар ўзбек тили ривожига ҳам ижобий таъсир қилди. Қўллаб бадий ҳам илмий адабиёт, оммавий газета ва журналлар нашр этилиши, корхона ва муассасаларда иш юритишнинг ўзбек тилида бўлиши, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг янгилиниши ва жорий этилиши тилимиз ривожланиши ва ижтимоий вазифаси кенгайишига олиб келди, ҳатто уни БМТ миёнарида янграйдиган тил даражасига кўтарди.

Ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашдаги қўтлуғ қадамларидан бўлган “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг ўтган даврда берган улкан натижалари ва самарасини тафаккур чиғирғидадан ўтказ-сак, уларни бемалол асрларга татигулик ютуқлар, дейиш мумкин.

Тилга давлат тили мақоми берилиши уни таназзул, йўқолиш хавфидан буткул халос қилади. Миллий тилнинг инқиро-зи миллий маънавиятнинг, миллий ўзлигининг ҳам таназзулидир. Шу маънода “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз учун жуда улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, тарихий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди.

Янги даврда тил сиёсатининг такомиллашиши

Глобаллашув шароитида тилларни ривожлантириш миллий такомиллашувдаги асосий вазифалардан. Тилга муттасил ғамхўрлик қилиш, уни ривожлантиришга миллий давлатчилик тараққиётининг устувор йўналиши сифатида қараш баробарида мамлакатда амал қилаётган бошқа тиллар ривожини учун шарт-шароит яратиш миллий юксалишининг муҳим шартларидандир.

Ривожланишида толерантлик асосий тамойилларидан бўлган Ўзбекистонда тил сиёсатини янги поғоналарга олиб чиқиш давр зарурати сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, давлат тилининг ижтимоий ҳаёт ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, давлат тилини ҳаётга тўлақонли жорий этишни таъминлаш, бошқа миллат ва эллатларнинг тилларини ривожлантириш, ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиш, тил сиёсатини юрти-тишининг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқбол-даги босқичларини белгилаш бу зарурат замиридаги ижтимоий эҳтиёжлардир.

Ижтимоий эҳтиёжлар замиридаги ўтқир муаммолар

Афсуски, “Давлат тили ҳақида”ги қонун кўпроқ тилимизнинг давлат рамзи сифатидаги хусусиятини бўрттирди. Давлат тилини ҳаётга татбиқ этишнинг тўлақон-ли ҳуқуқий асоси ва ташкилий механизми яратилмади.

Ёшларнинг озаки ва ёзма нутқи, ОАВ, кинофильмлар тили бир қадар ғариб-лашиб қолди. Саводли бўлиш масъулияти йўқолмоқда. Она тилига, саводга, адабий тилга эътибор сусайиб кета бошлади. Мактаб дарсликларида, кўча-қўйда, телевидениеда имловий хатолар табиий ҳолга, шева унсурлари кинофильмлар “безаги”га айланди.

Она тили таълимининг асосий ўқув воситаси дарсликлар бўлиб қолди. Ўқув-чиларнинг сўз бойлигини ошириш асосий вазифалардан бўлса-да, уларга лугатлар тақдим этилмади. Дунё миқёсида ўқув лугатчилиги кенг ривожланиб, қўллаб ўқув лугатлари болаларнинг сеvimли ҳамроҳига айланган бўлса-да, бизда бу жуда оқсоқ соҳага айланди. Айрим лугатлар яратилган бўлса-да, давлат миқёсида молиялаштирилмагани сабабли улар оммалашмади.

Ривожланишга даъвогар ҳар қандай тил суъний интеллект тилига айланиши керак. Ўзбек тилининг дунё миқёсидаги нуфузи фақат ташвиқот-тарғибот билан ошмайди. Бугунги шароитда суъний интеллект тилига айланмаган тил шунчаки тараққий этмайди, ҳолос. Ўзбек тили хали компьютер тилига айланмади. Қанча кўп ҳаракат қилинмасин, тил интернет тилига айланмас экан, унинг жаҳонга юз тутиши ҳақидаги гаплар баянларпарвоз чакириқлар бўлиб қолаверади.

Жаҳон тилларининг жуда кўпчилиги ўз

миллий корпусларига эга. Миллий тил ва давлат тили тараққиётида миллий корпуслар аҳамияти ва ўрнининг қанчалик муҳимлигини давр кўрсатмоқда. Дунё компьютер лингвистикасида миллий тил корпусининг мавжудлигига тилининг яшовчанлик ва компьютер тилига айланиш мезони сифатида қаралмоқда.

Хорижликларда ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж, қизиқиш ошаётгани айнаи ҳақиқат. Лекин бу эҳтиёжни қондиришда ҳам муаммолар бор. Аввало, хорижликлар ўзбек тилини ўргатиш методикаси шаклланаётгани, сифатли қўлланмалар яратилмаётгани.

Ўзбек тилининг иш юритиш тили сифатидаги тараққиёти ҳам давр талаблари даражасида эмас. Бунда ҳам асосий муаммо — лаёқатли кадрларнинг етишмаслиги. Масалан, суд-ҳуқуқ тизимида лингвистик экспертизга катта эҳтиёж бор, ammo бу борада кадрлар тайёрланмайди. Мамлакатда педагогик ва назарий филология яхши ривожланган, бироқ дунё миқёсида гуриқраб тараққий этаётган миллий амалий филология хали ҳам бамисоли очилмаган кўрик. На кадрлар тайёрланади, на тайинли илмий тадқиқотлар бажарилади. Борлари ҳам тарқоқ ва марказлашмаган, тадқиқотчиларнинг ташаббуслари даражасида қолиб кетмоқда.

Давлат буюртмаси

Ютуқлар соясидидаги бу муаммолар давлатнинг сиёсий нигоҳига тушди. Натижада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан давлат тилини, қолаверса, мамлакатдаги бошқа тилларни ривожлантириш ва давлатнинг тил сиёсатини такомиллаштиришга доир иккита муҳим фармон қабул қилинди. Бу фармонлар мақсад ва вазифаларни жиҳатдан изчил ва узвий боғлиқ, иккинчиси биринчисини тўлдирди. Хусусан, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон янги даврда ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантиришнинг стратегиясини ифодаласа, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон эса, тактикасини ўзида акс эттиради. Фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.

Фармонга илова қилинган ҳаракат концепциясида қўйилган аниқ масалалар кўзда тутилди:

— мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти-нинг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

— таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

— давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

— давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, давлат тилининг халқаро миқёсидаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда мамлакатимизда истиқомат қилладиган барча миллат ва эллатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш.

Ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш вазифа-сининг муҳим йўналишлари ҳам давлат буюртмаси сифатида қўйилди. Таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, софлигини сақлаш, бойитиб бориш кабилар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай фаолият ўз субъектига эга. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўзбек тилининг мамлакатимизда тараққий этиши ва халқаро миқёсда нуфузини оширишда шундай мақомага эга бўлди ва бу борада белгиланган вазифаларни бажаришда, мавжуд салоҳият ва кучларни бирлаштириш ҳамда марказлаштиришда катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда такомиллашгаётган тил сиёсати миллий ривожланишнинг янги уфқларини ёритмоқда. Истиқлолнинг порлоқ йўли ана шу уфқлар билан туташиб кетади. Тўла маънодаги тараққиёт эса мана шу йўлнинг узлуқсизлиги ва давомийлиги билан белгиланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Эълоплар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2323.
76851 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳ